

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик кенгаши раиси Ё.Х.Саъдиев  
хузурида ўтказилган йиғилиш  
**БАЁНИ № 3**

2024 йил “26” январь

Тошкент шаҳри

- Раислик қилувчи:** Жамоатчилик кенгаши раиси  
Ё.Х.Саъдиев
- Йиғилишда қатнашдилар:** Кенгаш раиси ўринбосари З.Алматов,  
Вазирнинг матбуот котиби Ш.Гиясов,  
Кенгаш аъзолари, Сохавий хизматлар  
вакиллари
- Йиғилиш ўтказиш жойи:** ИИВ хузуридаги ЖИЭД биноси  
Мажлислар зали

**Кун тартибидаги масала:** Вазирлик хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил фаолият якуни бўйича ҳисоботи, шунингдек ИИВ хузуридаги Жазони ижро этиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар муҳокамаси тўғрисида.

Тадбир олдидан, иштирокчилар Жазони ижро этиш департаменти фаолиятида яратилган шароитлар ва имкониятлар билан яқиндан танишдилар, шунингдек, тизимда амалга оширилган ишлар, ишлаб чиқариш соҳаси имкониятлари, маҳкумларга яратилган шароитлар ҳамда соҳадаги янги ислохотлар ҳақида тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан, кириш сўзини Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев очиб, 2023 йил давомида Ички ишлар вазирлиги тизимида амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар натижадорлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, Кенгаш фаолиятини янада ривожлантириш ҳақида фикр юритиб, Жамоатчилик кенгаши томонидан билдирилган таклифлар муҳокама этилди.

Шундан сўнг, кун тартибига биноан, Ички ишлар вазирлиги ахборот хизматининг фаолияти ҳақида матбуот котиб Ш.Гиясовнинг ҳисоботи тингланди. Унга кўра, ўтган 2023 йил мобайнида ИИВ Ахборот хизмати ва унинг қуйи хизматлари томонидан мамлакатимиз ОАВ ва интернет тармоқларда ички ишлар органлари фаолиятига оид жами 161 690 та ахборот тарқатилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,9 фоизга ошган (Улардан, телевидениеда – 13265, радиода – 7898 та, босма нашрларда – 5186 та ҳамда интернет тармоқларида – 135341 та). Хорижий ОАВда Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ 94 та ахборот эълон қилинган.

Тегишли медиа-режалар асосида 345 та пресс-тадбирлар (брифинг, матбуот анжуман, пресс-тур ва бошқалар) ўтказилиб, шундан, 14 таси Вазирлик сохавий хизматлари, 331 таси худудий ИИО раҳбарлари иштирокида ташкил этилган.



Шу билан бирга, алоҳида вазиятлар ёки шов-шувли ҳолатлар юзасидан ИИО соҳавий хизматлари томонидан ОАВда жами 1 827 маротаба чиқишлари ташкил этилгани, Вазирлик Ахборот хизмати ҳамда Ўзбекистон МТРК ва Миллий медиа ассоциацияси билан келишувлар асосида, тизим фаолиятига оид 16 та кунлик ва ҳафталик махсус кўрсатув, дастурлар намойиш этилаётганлиги, ижтимоий тармоқлар орқали ИИВ Ахборот хизмати томонидан 11 та авторлик кўрсатув тайёрланаётганлиги, шунингдек бир нечта давлат ва хусусий киностудиялар билан ҳамкорликда тизим имижини ошириш борасида амалий ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш давомида Вазирлик Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти масъуллари томонидан тизим имиджини шакллантириш, ходимларнинг хизмат интизомига риоя этишларини назорат қилиш, шунингдек уларнинг маънавий дунёкарашини бойитишда Вазирлик томонидан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи ўқиб эшиттирилди. Жумладан, мазкур йўналишдаги ишларда, кадрларни ишга қабул қилиш, номзодлар билан ўтказиладиган синовлар ҳақида журналист ва блогерларга тўлиқ маълумотлар берилди.

Жамоатчилик кенгаши вакилларининг сўровига мувофиқ, тизимда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси масъуллари ҳам айни пайтда келиб тушган мурожаатларнинг ечими, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ҳақида барча иштирокчиларга аниқ маълумотлар келтириб, бунда кенгаш фаолиятининг самарадорлиги ҳақида фикр билдиришди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган ҳисобот учрашуви давомида кенгаш аъзолари, журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга масъуллар томонидан атрофлича жавоблар бериб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида, Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, кенгаш раисининг ўринбосари генерал-полковник Зокиржон Алматов сўзга чиқиб, аввало, Ички ишлар органларининг янада халқчил тузилмага айланишида кенгаш аъзоларининг меҳнати катта эканлигини, жинойтчиликни барвақт олдини олиш ҳамда ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига қаратилган ишларни олиб боришда жамоатчилик аъзоларининг салоҳияти катта эканлигини эътироф этиб, келгусида режалаштирилган ишлар ва тадбирлар ҳақида тўхталиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди. Куннинг иккинчи ярмида Кенгаш аъзолари, журналист ва блогерлар учун ИИВ тизимида янгитдан бунёд этилган “Ички ишлар органлари тарихи музейи”га Пресс-тур ташкил этилди.

Узоқ тарихни ўзида мужассам этган ушбу мажмуада 4 мингдан ортиқ экспонатлар ҳамда “Мард ўғлонлар хотираси мангу барҳаёт”, “Тарих ва бугун” номли махсус бурчаклар билан барча иштирокчилар таништирилди.

Тизим тарихини ўрганиш ва сабоқ чиқариш, ўсиб келаётган ёш авлод учун чинакам ҳаёт мактаби бўлиши, уларда юртга садоқат ва мардлик ғояларини шакллантиришда муҳим восита эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мазкур яқуний ҳисобот йиғилишида Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада яхшилаш борасида, мавжуд таклифлардан келиб чиққан ҳолда бир қатор вазифалар белгилаб олинди.



Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда

## **Қ А Р О Р Қ И Л И Н Д И:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарори талаблари асосида тузилган ИИВ хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йилнинг якунларига мўлжалланган дастури ва унда белгиланган вазифалар иштирокчилар ўртасида муҳокама этилди деб ҳисоблансин ва ижро учун қабул қилинсин.**

**2. ИИВ Ахборот хизмати (Ш.Гиясов), Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.Махсумов) билан ўзаро ҳамкорликда**

2.1. Ахборот хизмати раҳбари бошчилигида, мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастур ишлаб чиқилсин;

2.2. Ижтимоий тармоқларда ходимлар билан боғлиқ тарқалаётган барча нохуш материаллар бўйича дарҳол тегишли муносабатлар тайёрланиши ва келишилган ҳолда берилиши таъминлансин ҳамда бу ҳақда Жамоатчилик кенгашлари вакиллари сўровларига кўра, уларни тегишли материаллар билан таъминлаш чораларига эътибор қаратилсин;

2.3. Келгусида ИИВнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Тергов департаменти, Миграция, Жазони ижро этиш ва бошқа тегишли соҳавий хизматлар йўналишида йиллик якунларга оид амалга оширилган ислохотлар юзасидан, Жамоатчилик кенгашлари олдида ҳисобот бериб бориши ташкиллаштирилсин;

2.4. Худудий органлардаги Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ўрганиш юзасидан, ўзаро ҳамкорликда хизмат сафарларини ташкил этиш чоралари кўрилсин;

2.5. Кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда, Вазирлик фаолиятида коррупциявий ҳолатларни олдини олиниш мақсадида ўтказилган мониторинг ва ўрганишлар якунлари бўйича аниқланган камчиликлар уларни бартараф этилиш юзасидан, шунингдек, тизим имижини ошириш йўналишига оид амалий таклифлар акс этган ҳужжатлар тайёрлаб, Вазирлик раҳбариятига ўз вақтида киритиб борилсин;

2.6. Очиқлик ва ошкораликни таъминланиши билан боғлиқ қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг амалий ижросига оид материаллар республика оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда кенг ёритиб борилсин.

**3. ИИВ хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти:**

3.1. Тизим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш, қийноқларни олдини олиш борасида, шахсий таркибнинг билим савиясини ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари билан ҳамкорликда тегишли ўқув машғулотлари ташкил этиб, ОАВ орқали жамоатчиликка етказилсин;



3.2. Жазо муддатини ўтаётган шахслар билан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик тадбирлар, уларни ўқитиш, касб-хунарга ўргатиш, ишга жалб этиш, озодликка тайёрлаш ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилаётган тадбирлар, шунингдек ID карталар бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан, очерк, мақола ва видеолавҳалар тайёрлансин;

3.3. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Жамоатчилик гуруҳлари томонидан жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларни сақлаш шароитларини ўрганиш, мониторинг қилиб бориш имкониятлари кенгайтирилсин.

#### 4. Худудий ички ишлар органларлари раҳбарлари:

4.1. Президентимизнинг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 11 мартда имзоланган Ички ишлар вазирининг “ИИВ ва унинг худудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №122-сонли буйруғи талабларига қатъий амал қилган ҳолда тегишли ишлар ташкиллаштирилсин;


4.2. Ахборот хизмати раҳбарлари масъуллигида ва ўзаро ҳамкорликда мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастурлар ишлаб чиқилсин ва ижрога қаратилсин;

4.3. Ахборот хизмати масъуллари томонидан Кенгаш фаолиятига доир ҳисоботлар доимий равишда юритиб борилсин;

4.4. Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан мақсадли ва манзилли ҳамкорлик чоралари кучайтирилсин ҳамда Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тегишли материаллар мунтазам равишда расмий веб-сайт ва телеграм каналларига жойлаб борилсин.

Мазкур йиғилиш қарорида белгиланган вазифалар ижросини ташкиллаштириш ва таъминлаш Вазирлик Ахборот хизмати раҳбариятига юклатилсин.

Йиғилиш раиси,



Ё.Х. Саъдиев

Котиб,  
полковник



Ш.К. Гиясов